

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2025 йил ноябрь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, очик сайёр суд мажлисида, Ангрен шаҳар “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида,

Раислик қилувчи судья: Р.Рахимжонов,

судья ёрдамчиси С.Курбонбекованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Ангрен шаҳар прокурори ўринбосари Л.Зарипов, гумонланувчи Х.Абдуманобов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат К.Барраев, жабрланувчи Г.Уринбаеваларнинг иштирокида,

08.07.2002 йил Тошкент вилояти, Ангрен шаҳарда туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта махсус, Ангрен шаҳридаги “Ангрен Саховат бизнес” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлайди, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Дўстлик м.ф.й., Алпомиш кўчаси 10-уйда яшовчи Абдуманобов Хайрулла Баҳодир ўғли (ABDUMANOBOV XAYRULLA BANODIR O'G'LI)ни,

№1-1104-2501/462-сонли жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан гумонланганга оид жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Олиб борилган суриштирув ҳужжатларига кўра, Абдуманобов Хайрулла Баҳодир ўғли қуйидаги ҳолатда ўзганинг мулкени алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан фирибгарлик жиноятини содир этганлиги аниқланган.

Жумладан, у 2024 йил 10 сентябрь куни ўзганинг мулкени алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, қайнионаси Уринбаева Гулnoz Каршибаевнага АТБ “Ипотека банк”дан номига кредит олиб беришлигини, ушбу олинган кредит маблағларини хар ойлик тўловларини ўзи тўлаб боришлигини айтиб, уни алдаб ишончига кириб, унинг номига АТБ “Ипотека банк”дан 25.000.000 сўм миқдордаги кредит маблағларини олишга эришиб, олинган пул маблағларини ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Х.Абдуманобов ва жабрланувчи Г.Уринбаевалар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишени ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Ангрен шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси А.Холдарбоевнинг 2025 йил 10 октябрь кундаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Х.Абдуманобовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.



Гумон қилинувчи Абдуманобов Хайрулла Баҳодир ўғли суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлиги, зарар қопланганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлиги ва ҳозирги кунга келиб жабрланувчи билан бирор-бир тазйиксиз ярашиб олганлигини айтиб, суддан жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Уринбаева Гулноз Қаршибаевна суд мажлисида, ҳозирги кунга келиб, гумонланувчи Абдуманобов Хайрулла Баҳодир ўғлига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ҳозирда гумонланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги, ярашув ихтиёрийлиги, зарар қопланганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини айтиб, суддан Х.Абдуманобовга оид бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, гумон қилинувчи Х.Абдуманобов ва жабрланувчи Г.Уринбаеванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Ангрен шаҳар прокурори ўринбосари Л.Зарипов ва ҳимоячи К.Барраевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, гумон қилинувчи Х.Абдуманобовнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Х.Абдуманобовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, шу билан бирга, суд жабрланувчи Г.Уринбаевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинган Абдуманобов Хайрулла Баҳодир ўғли (ABDUMANOBOV XAYRULLA BAHODIR O'G'LI)га оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси исмига асосан иш юритишдан тугатилсин.



Жабрланувчи Г.Уринбаевага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан ўн суткалик муддат ичида, гумонланувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олинган сўнг шу муддат ичида шу суди орқали Тошкент вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Р.Рахимжонов

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

